

**ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.03/30.12.2019.Fil.05.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**БАРЗИЕВ ОЙБЕК ХАБИБУЛЛАЕВИЧ**

**ХІХ АСРНИНГ ИККИНЧИ ЯРМИ – ХХ АСР БОШЛАРИ**  
**ЎЗБЕК ШЕЪРИЯТИДА ДАВР МУАММОЛАРИ**  
**ВА ЛИРИК ҚАҲРАМОН**

**10.00.02 – Ўзбек адабиёти**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)**  
**ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Фарғона – 2020**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on philological  
science**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
филологическим наукам**

**Барзиев Ойбек Хабибуллаевич**

XIX асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошлари ўзбек шеърятига давр  
муаммолари ва лирик қаҳрамон ..... 3

**Barziev Oybek Khabibullayevich**

Problems of periods and a lyric hero in Uzbek poetry of the second part of  
the XIX and the beginning of the XX centuries ..... 27

**Барзиев Ойбек Хабибуллаевич**

Проблемы периодов и лирический герой в узбекской поэзии второй  
половины XIX и начала XX веков ..... 49

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

List of published works

Список опубликованных работ ..... 53

**ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.03/30.12.2019.Fil.05.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**БАРЗИЕВ ОЙБЕК ХАБИБУЛЛАЕВИЧ**

**ХІХ АСРНИНГ ИККИНЧИ ЯРМИ – ХХ АСР БОШЛАРИ**  
**ЎЗБЕК ШЕЪРИЯТИДА ДАВР МУАММОЛАРИ**  
**ВА ЛИРИК ҚАХРАМОН**

**10.00.02 – Ўзбек адабиёти**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)**  
**ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Фарғона – 2020**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.3.PhD.Fil.520 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Фарғона давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, инглиз, рус (резюме) Илмий кенгаш веб саҳифасида ([www.fdu.uz](http://www.fdu.uz) ҳамда «ZiyoNET» ахборот-таълим порталига ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилди.

**Илмий раҳбар:**

**Сабирдинов Акбар Ғафурович**  
филология фанлари доктори

**Расмий оппонентлар:**

**Тожибоева Муқаддас Абдурахимовна**  
филология фанлари доктори

**Каримов Баҳодир Нурметович**  
филология фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:**

**Ўзбекистон Миллий университети**

Диссертация ҳимояси Фарғона давлат университети ҳузуридаги филология фанлари бўйича илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2019.Fil.05.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил 100151, Фарғона ш., Мураббийлар кўчаси, 19, Тел.: (+99873) 244-44-29; факс: (+99873) 244-66-03; e-mail: [fardu\\_info@umail.uz](mailto:fardu_info@umail.uz).)

Диссертация билан Фарғона давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин. (\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100151, Фарғона ш., Мураббийлар кўчаси, 19. Тел.: (+99873) 244-44-02.

Диссертация автореферати 2020 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.

(2020 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ - рақамли реестр баённомаси)

**А.А.Қосимов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, ф.ф.д., профессор

**И.Т.Хожалиев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, ф.ф.н., доцент

**С.Р.Мирзаева**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш ҳузуридаги Илмий семинар раиси ўринбосари, ф.ф.д., профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон адабиётшунослигининг долзарб мавзуси ҳисобланган давр муаммолари ва лирик қаҳрамон масаласи, ижтимоий воқеликнинг шеърятдаги талқини, сиёсий-мафкуравий ўзгаришлар оқибатида юзага келган зиддиятли жараёнлардаги ижодкор шахсининг ўрнини тадқиқ этиш муҳим илмий аҳамиятга эга.

Дунё адабиётшунослигида алоҳида ижтимоий-сиёсий аҳамиятга молик даврларни махсус ўрганиш анъанаси азалдан мавжуд бўлиб, бу каби изланишлар маълум бир муҳитнинг ижтимоий-сиёсий ҳамда адабий ҳаётига холис баҳо беришга, шунингдек, уни бошқа адабий жараён билан қиёслашга, пировардида эса ундаги ижтимоий ҳамда ижодий ўзига хосликлар юзасидан жиддий тадқиқотлар олиб боришга йўл очади. Адабиёт тарихида шундай даврлар бўладики, ундаги кескин ижтимоий-сиёсий муҳит таъсирида ижодкорлар қарши, адабий жанр турлари ҳамда лирик қаҳрамон кечинмаларида ҳам катта ўзгаришлар юз беради. Бу ўзгаришлар муайян даражада ўзига хосликларни ва уларни махсус ўрганиш заруратини келтириб чиқаради. Мамлакатимизда бугунги кунда амалга оширилаётган янгиланишлар жараёнида тезкор иқтисодий-ижтимоий ўзгаришлар силсиласида яқин тарихимизни янада чуқурроқ тадқиқ этиш, бунда, айниқса, катта ижтимоий-сиёсий воқеалар юз берган XIX асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошлари адабий муҳитини махсус ўрганиш ўзбек адабиётшунослиги олдида турган қатор масалалар ечимида муҳим аҳамият касб этади.

Бугунги кунда ўзбек адабиётшунослигида ҳозирги адабий жараён, унинг жанр хусусиятлари, лирик қаҳрамон туйғу-кечинмаларининг бадиий ифодаси билан алоқадор масалалар атрофлича тадқиқ этилган, аммо мазкур ҳолатнинг юзага келишида сезиларли ўрин тутган XIX асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошлари ўзбек адабиёти, хусусан, шеърятда юз берган ўзгаришлар етарли даражада ўрганилган эмас. Шу маънода, бу давр шеърятдаги ўзига хосликлар ва уларни юзага келишига сабаб бўлган омилларни илмий-назарий жиҳатдан тўғри баҳолаш муҳим вазифалардан биридир. «... биз жадидчилик ҳаракати, маърифатпарвар боболаримиз меросини чуқур ўрганишимиз керак. Бу маънавий хазинани қанча кўп ўргансак, бугунги кунда ҳам бизни ташвишга солаётган жуда кўп саволларга жавоб топамиз. Бу бебаҳо бойликни қанча фаол тарғиб этсак, халқимиз, айниқса, ёшларимиз бугунги тинч ва эркин ҳаётнинг қадрини англаб етади»<sup>1</sup>. Бу эса XIX асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошлари ўзбек адабиёти намояндалари асарларини ўрганиш заруратини ҳам юзага келтиради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 январдаги «Китоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғибот қилиш бўйича комиссия тузиш тўғрисида»ги Фармойиши, 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси. // «Халқ сўзи» газ., 2020 йил 25 январь. - №19 (7521). – Б. 3.

Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ–4947-сонли Фармони, 2017 йил 20 апрелдаги «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш тўғрисида»ги ПҚ–2909-сонли, 2017 йил 28 июлдаги «Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш, соҳа ривожини янги босқичга кўтариш тўғрисида»ги ПҚ–3160-сонли, 2018 йил 5 июндаги ПҚ–3775-сонли «Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги, 2019 йил 17 июндаги ПҚ–4358-сонли «2019-2023 йилларда Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида талаб юқори бўлган малакали кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва илмий салоҳиятни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг 1. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий ва маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Мавзунинг ўрганилиш даражаси.** Шеърятда давр муаммолари ва лирик қаҳрамон талқини билан боғлиқ масалалар Н.Асеев, И.Бехер, С.М.Бонди, Ю.Борев, С.Владимиров, Н.К.Гей, Б.С.Мейлах, В.Огнев, Я.Парандовский, Н.М.Шанский<sup>2</sup> томонидан ўрганилган. Ўзбек адабиётшунослигида О.Шарафиддинов, У.Норматов, Н.Каримов, Б.Назаров, Т.Жалолов, Б.Қосимов, Ҳ.Болтабоев, А.Жалолов, Б.Каримов, И.Тўлаков, Н.Жабборов, И.Ғаниев, Д.Қуронон, Н.Афоқова, М.Тожибоева, У.Жўрақулов<sup>3</sup> каби олимларнинг

<sup>2</sup> Асеев Н. Зачем и кому нужна поэзия. – Москва: Сов. писатель, 1961. – 557 с.; Бехер И. Любовь моя, поэзия. – Москва: Худ. лит., 1965. – 559 с.; Бонди С.М. Черновики Пушкина. – Москва: Просвещение, 1971. – 231 с.; Борев Ю. Искусство интерпретации и оценки (Опыт прочтения «Медную всадника»). – Москва: Сов. писатель, 1981. – 399 с.; Брюсов В. Ремесло поэта. Статьи о русской поэзии. – Москва: Современник, 1981. – 316 с.; Владимиров С. Стих и образ. – Москва: Сов. писатель, 1968. – 159 с.; Гей Н.К. Искусство слова. – Москва: Наука, 1967. – 364 с.; Мейлах Б.С. «... сквозь магический кристалл...» – Л.: Высш. шк., 1990. – 398 с.; Огнев В. Книга про стихи. – Москва: Сов. писатель, 1963. – 479 с.; Парандовский Я. Алхимия слова. – Москва: Прогресс, 1971. – 184с.; Шанский Н.М. Лингвистический анализ художественного текста. – Л.: Просвещение, 1990. – 415 с.

<sup>3</sup> Шарафиддинов О. Чўлпон. – Тошкент: Чўлпон, 1991. – 108 б.; Норматов У. Гўзаллик билан учрашув. – Тошкент: Ёш гвардия, 1976. – 208 б.; Каримов Н. XX аср адабиёти манзаралари. – Тошкент: O'zbekiston, 2008. – 534 б.; Уч буюк сиймо (А.Қодирий, Чўлпон, Ойбек) – Тошкент: MUMTOZ SO'Z, 2019. – 428 б.; Назаров Б. Фитрат – маърифатнинг гултожи // Шарк юлдузи. – 1991-йил 8-сон. – Б. 8-9.; Жалолов Т. Ўзбек шоиралари. – Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1980.; Қосимов Б. Миллий уйғониш: жасорат, маърифат, фидойилик. – Тошкент: Маънавият, 2002. – 400 б.; Болтабоев Х. XX аср бошлари ўзбек адабиётшунослиги ва Фитратнинг илмий мероси: Филол. фан. докт... дисс. – Тошкент, 1996. – 368 б.; Жалолов А. Ўзбек маърифатпарварлик адабиётининг ривожланиш жараёни (XIX аср охири – XX аср бошлари): Филол. фан. докт... дисс. автореф. – Тошкент, 1994.; Жалолов А. XIX аср охири – XX аср бошларидаги ўзбек адабиёти. Монография. – Тошкент: Фан, 1991. – 156 б.; Каримов Б. XX аср адабиётшунослигида талқин муаммоси (қодирийшунослик мисолида): Фил. фан. докт... дисс. – Тошкент, 2002. – 304 б.; Тўлаков И. Чўлпон маҳорати. – Андижон, 1997. – 79 б.; Жабборов Н. Қодирийни англаш // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 2004 йил 9 апрель.; Ғаниев И. Фитратнинг тарихий фожеа яратиш маҳорати: Филол. фан. номз... дис. – Тошкент, 1992. – 146 б.; Қуронон Д. Чўлпон насри поэтикаси. – Тошкент: Шарк, 2004. – 288 б.; Афоқова Н. Ўзбек жадид

ишларида тадқиқ этилган. Шунингдек, ўша давр ижтимоий воқелиги ва адабий жараёнларни ўрганишда Ш.Юсупов, У.Долимов, Ш.Ризаев, Й.Солижонов, А.Сабирдинов, Р.Жавҳарова, О.Тулабоев, З.Эшонова, Н.Холиқова, Д.Зоҳидова<sup>4</sup> каби олимларнинг ишлари ҳам муҳим манба бўлиб хизмат қилди.

**Тадқиқот мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация Фарғона давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг «Ўзбек адабиёти» йўналиши доирасида бажарилган.

**Тадқиқот мақсади** XIX асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошлари ўзбек шеърлятида давр муаммолари ва лирик қаҳрамон масаласи, бу давр адабий муҳити ва намояндалари услубий ўзига хосликлари, асарларининг бадиий-эстетик жиҳатлари, жанр ранг-баранглигини таҳлил этиб баҳолашдан иборат.

#### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

XIX асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошлари ўзбек шеърлятида халқ оғзаки ижоди ва мумтоз адабиёт анъаналари ҳамда ўзига хосликларини таҳлил этиб, тизимлаштириш;

ўзбек, турк, татар, озарбайжон шеърлятидаги давр муаммолари ва лирик қаҳрамон талқинининг уйғун жиҳатларини аниқлаш;

эрк, озодликни улуғлаш ғояларининг ўзбек ва рус шеърлятидаги муштарак ҳамда фарқли томонларини белгилаш, шу орқали ўзаро таъсир, адабий ҳамкорлик қирраларини тадқиқ этиш;

XIX асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошлари давр муаммолари талқинида лирик қаҳрамон кечинмалари, шунингдек, фикр ва туйғу уйғунлиги, тасвирийлик, халқчиллик, миллийликнинг бадиий аҳамияти ҳамда ўрнини ёритиш;

белгиланган давр ўзбек шеърлятининг вазн, банд, қофия тизимидаги анъанавийлик ва янгича ёндашувларни таҳлил қилиш.

**Тадқиқот объекти** сифатида XIX асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошларида яшаб ижод этган Аҳмад Табибий, Комил Хоразмий, Каримбек Камий, Муҳаммад Юсуф Баёний, Тавалло, Чокар, Сидқий Хондайлиқий, Мулла Отаниёз Охун-Ниёзий, Абдураззоқ Фақирий, Қорий, Дилафкор каби

---

адабиётида шеърлий шакллар тараққиёти тамойиллари: Филол. фан. докт... дисс. – Тошкент, 2005. – 281 б.; Тожибоева М. Жадид адиблари ижодида мумтоз адабиёт анъаналари: Филол. фан. докт... дисс. – Тошкент, 2017. – 283 б.; Жўрақулов У. Фитратнинг тадқиқотчилик маҳорати: Филол. фан. номз... дисс. автореф. – Тошкент, 1998.

<sup>4</sup> Юсупов Ш. Янгича маърифатпарварлик ва жадидлар (XIX аср иккинчи ярми адабиёти хусусида) // – Маърифат. 1998 йил 11 март.; Исҳоқхон Ибрат // Истиқлол фидойилари. – Тошкент: Шарқ, 1994.; Ризаев Ш. Жадид драмаси (Шаклланиш даври, манбалари хусусиятлари). – Тошкент: Шарқ, 1997. – 315 б.; Солижонов Й. Зулматдан нур кидирганлар. – Тошкент: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2007. – 78 б.; Сабирдинов А. Маънавият ва маърифат чашмалари. – Тошкент: Akademnashr, 2016. – 144 б.; Чўлпоннинг «Кеча ва кундуз» романига чизгилар // ФарДУ. Илмий хабарлар – Научный вестник. ФерГУ. 2018 йил 6-сон. – Б. 119-120.; Жавҳарова Р. Сирожиддин Сидқий Хондайлиқийнинг адабий мероси: Филол. фан. докт... дисс. – Тошкент, 1996.; Тулабоев О. Каримбек Камийнинг ҳаёт ва ижод йўли: Филол. фан. номз... дисс. – Тошкент, 2010.; Олтинбек (Тулабоев О.) Каримбек Камий – миллий уйғониш шоири. – Тошкент: Muhatgir, 2018. – 124 б.; Эшонова З. Чўлпон шеърлятининг ғоявий-бадиий хусусиятлари: Филол. фан. номз... дисс. – Тошкент, 1991. – 130 б.; Холиқова Н. Миллий уйғониш даври ўзбек шеърлятида озодлик ҳаракатининг бадиий талқини (1916 йил воқеаларини акс эттирувчи асарлар талқинида): Филол. фан. номз... дисс. автореф. – Тошкент, 2009. – 26 б.; Зоҳидова Д. Ғарбий ва унинг девони: Филол. фан. номз... дисс. автореф. – Тошкент, 2006. – 22 б.

шоирлар ижодига мурожаат қилинди. Зарур ўринларда Муҳаммад Аминхўжа Муқимий, Зокиржон Фуркат, Абдурауф Фитрат, Абдулла Авлоний, Муҳаммадшариф Сўфизода, Сиддиқий Ажзий, Исҳоқхон Ибрат, Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий, Абдулла Қодирий, Абдулҳамид Чўлпон, Абдулҳамид Мажидий шеърларидан қиёсий таҳлиллар учун фойдаланилди.

**Тадқиқот предмети**ни XIX асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошлари ўзбек шеъриятидаги давр муаммолари ва лирик қаҳрамон масаласи ҳамда ушбу давр шеъриятининг жанр хусусиятларини белгилаш ташкил этади.

**Тадқиқот усуллари.** Тадқиқот мавзусини ёритишда қиёсий-типологик, қиёсий-тарихий, структурал-поэтик, автобиографик тавсифлаш ҳамда таснифлаш усулларидан фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

XIX асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошлари ўзбек шеъриятида лирик қаҳрамоннинг ижтимоий, сиёсий, ахлоқий, оилавий, маиший-маърифий, ишқий муаммоларга фаол муносабати ёритилган;

ўзбек шеърияти билан турк, татар, озарбайжон, рус шоирлари ижодида акс этган даврнинг ҳаётий муаммоларини ифодалашда муштараклик ва шаклий ҳамда мазмуний ўзига хосликлар ўрганилиш билан бирга, уларнинг ўзаро таъсирланиш ҳолатлари уйғунликда аниқланган;

ўзбек шеъриятидаги ижтимоий-сиёсий ҳаёт муаммоларини ёритиш ва лирик қаҳрамон талқинида халқ оғзаки ижоди ҳамда мумтоз адабиёт анъаналари, шунингдек, фикр ва туйғу уйғунлиги, тасвирийлик, миллийликнинг муҳим ўрни исботланган;

ўзбек шеъриятининг жанр хусусиятларида бадиий воситаларнинг аҳамияти, тузилишидаги ўзига хосликлар эса вазн, банд, қофия тизими таҳлили асосида очиқ берилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

XIX асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошларида ижод қилган шоирлар асарлари таҳлили орқали тезкор давр янгилишларининг лирик қаҳрамон онгидаги ўзгаришларга таъсири ўрганилган;

ижтимоий, сиёсий, ахлоқий, оилавий, маиший-маърифий, ишқий мавзулардаги асарларда давр муаммоларининг бадиий талқинидаги муштарак ва ўзига хос жиҳатлар ижодий таъсир ҳамда ҳамкорлик алоқалари таҳлили орқали ёритилган, XIX асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошлари ўзбек шеъриятининг индивидуал услуб ва бадиий маҳорат масалалари тадқиқ этилган;

тасвирийлик, халқчиллик, миллийликнинг давр муаммолари ва лирик қаҳрамон талқинидаги муҳим ўрни XIX асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошлари ўзбек шеърияти намуналари асосида назарий жиҳатдан ёритилган;

ўзбек шеърияти банд, вазн, қофия тизимидаги янгича ўзгаришларнинг давр муаммолари ва лирик қаҳрамон талқинидаги ўрни ҳамда аҳамияти асосланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** муаммонинг тўғри қўйилганлиги, илмий муаммонинг ўрганилиш чегараларининг аниқ белгиланганлиги, чиқарилган хулосалар илмий асосланганлиги, таҳлиллар қиёсий-типологик, қиёсий-тарихий, структурал-поэтик, автобиографик



тавсифлаш ва таснифлаш воситасида олиб борилганлиги, назарий фикр ва хулосаларнинг амалиётга жорий этилганлиги, таҳлил жараёнида ўзбек мумтоз адабиёти ва янги ўзбек адабиёти табиатидан келиб чиқилганлиги, натижаларнинг ваколатли муассасалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

#### **Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.**

Тадқиқотнинг илмий хулосалари нафақат XIX асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошлари ўзбек шеърляти, балки ўзбек бадий тафаккури ва бадий-фалсафий, ижтимоий-психологик фикрлаш тарзида юз берган кейинги босқич ўзгаришлари ҳақидаги билимларни тўлдиради ҳамда кенгайтиради. Ўзбек шеърлятининг шаклий-мазмуний янгиланишлари ҳақидаги қарашлар адабиётшунослик назарияси, адабий танқид тарихи, ўзбек адабиёти тарихи фанларининг назарий жиҳатдан такомиллашувига хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти «Ўзбек адабиёти тарихи», «XX аср ўзбек адабиёти», «Жадид адабиёти тарихи», «Бадий таҳлил асослари» фанларидан дарслик ва ўқув қўлланмалари яратишда, жадидчилик ва жадид шеърлятига оид махсус курс, семинарлар ташкил қилишда ҳамда мамлакат олий таълим муассасалари учун ўқув адабиётлари тайёрлашда манба бўлиб хизмат қилиши билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** XIX асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошлари ўзбек шеърляти мавзу кўлами, бадиияти муаммоларини ўрганиш бўйича олинган илмий натижалар асосида: диссертациянинг ижодкор шеърлятда ижтимоий, сиёсий, ахлоқий, оилавий, маиший-маърифий, ишқий муаммоларга фаол муносабатини ёритиш орқали олинган хулосаларидан №ОТ–Ф-1-100 «Имконияти чекланган болалар ижтимоий-маданий фаолиятининг бадий-ижодиёт воситалари асосида назарий ва амалий такомиллашуви» номли фундаментал лойиҳада фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил майдаги № 89-03-2016-сон маълумотномаси). Натижада ушбу фундаментал лойиҳа бўйича эълон қилинган «Замонавий баркамол инсонни тарбиялаш – давр талаби» номли илмий-оммабоп рисолада мазкур диссертация бўйича ёзилган илмий мақолалардаги материаллар асос бўлган;

диссертацияда ўзбек шеърлятидаги ижтимоий-сиёсий ҳаёт муаммоларини ёритиш ва лирик қаҳрамон талқинида халқ оғзаки ижоди, мумтоз адабиёт анъаналари, фикр, туйғу уйғунлиги, тасвирийлик, қолаверса, миллийлик хусусиятларининг ўрни муҳим эканлиги ҳақидаги хулосаларидан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ўзбек тили, адабиёти ва фольклор институти «Ўзбек мумтоз адабиёти ва XX аср ўзбек адабиёти тарихи» ҳамда «Ҳозирги адабий жараён» бўлимлари ҳамкорлигида 2012-2016 йилларда олиб борилган ФА–Ф-1-ГО39 «Алишер Навоий (2жилдлик) ва Абдулла Қодирий қомусларини яратиш» фундаментал илмий тадқиқот лойиҳасида фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил майдаги №89-03-2016-сон маълумотномаси). Натижада мазкур қомусий луғат таркибидаги муайян атамаларнинг ғоявий-бадий жиҳатдан бойитилиши таъминланган.

XIX асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошлари ўзбек шеърлятидаги давр муаммолари ва унга лирик қахрамон муносабатини ёритишдаги материаллардан Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Фарғона вилоят бўлими уюшма аъзолари билан ўтказилган семинарларда, ёш ижодкорларнинг тўғарак машғулотида, адабиётга оид тарғибот ишларида фойдаланилган (Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Фарғона вилоят бўлимининг 2019 йил 2 майдаги 26-сон маълумотномаси). Натижада бу материаллар ўша давр адабиётдаги тасаввурларнинг кенгайишига ва билимларнинг ортишига хизмат қилган.

Фарғона вилояти телерадиокомпаниясининг «Очиқ мулоқот», «Замондош», «Адабий муҳит», «Қадрият», «Маънавият – қалб кўзгуси» кўрсатувлари ҳамда «Маънавият», «Зиё масканларида» номли радиоэшиттиришлари сценарийсини тайёрлашда фойдаланилган (Фарғона вилоят телерадиокомпаниясининг 2018 йил 1 августдаги 465-сон маълумотномаси). Натижада юқорида номлари санаб ўтилган кўрсатув ва радиоэшиттиришларнинг оммабоплиги ҳамда илмийлиги таъмин этилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 11 та илмий-амалий анжуманда, жумладан, 9 та республика 2 та халқаро конференцияларида маъруза кўринишида баён этилган ва апробациядан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича 21 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертацияларининг асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та илмий мақола, шунингдек, 6 таси республика ҳамда 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертация тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, уч асосий боб (тўққиз фасл), хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, ишнинг умумий ҳажми 148 саҳифани ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, ўрганилганлик даражаси ёритилган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган; республика фан ва технологиялари йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби «**Таъсир манбалари: анъана ва ўзига хослик**» деб номланган. Унинг «**Шарқ мумтоз адабиёти ва халқ оғзаки ижоди анъаналари**» номли биринчи фаслида XIX асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошлари ўзбек шеърлятида Шарқ мумтоз адабиёти ва халқ оғзаки ижоди анъаналари таъсири шеър тилининг оммага яқинлаша бошлаганида; лапар, қўшиқ, дostonларга хос образ ҳамда тасвирларнинг муштараклигида;

шунингдек, аруз вазнида яратилган асарларда ҳам давр муаммоларининг акс эттирилганлигида экани асосланган.

Диссертацияда Туркистон тарихининг қонли саҳифаларини ташкил этган чор Россиясининг истилочилик ҳаракатлари охир-оқибат ўлкани мустамлакачилар томонидан босиб олинишига олиб келганлиги, натижада бўлиб ўтган қатор норозилик кўзғолонлари халқ оғзаки ижоди ва ёзма адабиётда ўз ифодасини топганлиги ёритилган. Биринчи жаҳон уруши йилларида машҳур бўлган «Ай-да Мамажон» кўшиғи оҳангига мослаб, унинг таъсирида яратилган Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг «Пешонамиз тор экан...»<sup>5</sup> шеърда мардикорликка олиш воқелигининг сабаблари ўзига хос тарзда асосланган. Ёки Абдулла Авлонийнинг «Адабиёт ёхуд миллий шеърлар»и 6-жузъига кирган «Мардикорлар ашувласи»<sup>6</sup> деган умумий ном остидаги шеърларида Россиянинг фронторти ишларига мардикорликка жўнатилган фарзанди ҳасратидаги ота-она кечинмалари чуқур талқин этилган.

Халқ кўшиқларида фаол қўлланган булбул ва гул образлари муҳаббат ҳамда унинг ҳижрони изтироблари ифодасига хизмат қилган<sup>7</sup> бўлса, Аҳмад Табибийнинг «Табибий даҳри дун андуҳи андоқ ом оламға Ки гул онинг жафосидин не эмин, не амон булбул»<sup>8</sup> сатрларида анъанавий ишқ мавзуси ижтимоий муаммо билан уйғунлашиб кетган. Бу давр шеърлятида булбулдан ташқари зоғ, қарға, қирғий, бедана, мусича, тўтиқуш, бойўғли, саъва каби қатор образларга мурожаат қилиш орқали ҳам лирик қаҳрамон жамиятдаги муаммоларга фаол муносабат билдирганлигини кўриш мумкин.

Диссертацияда мумтоз ўзбек адабиётининг буюк намояндаси Алишер Навоийнинг «Бўлди шому жонға ул ой ҳажридин қайғу ҳануз...»<sup>9</sup> ғазали билан Сидқий Хондайлиқийнинг «Ишқида ўлдимки, ваҳ, ул ёр келмайдур ҳануз...»<sup>10</sup> ғазалини қиёсий таҳлил этиш орқали бу икки асардаги муҳаббат билан боғлиқ муаммо талқинидаги уйғунлик ва ўзига хосликлар ёритилган.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур анъаналарининг таъсири XIX асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошлари ўзбек шоирлари ижодида шеър тилининг халқ тилига яқинлаштириб, соддалаштирганликларида кўзга ташланади. Тадқиқотда Бобурнинг «Чархнинг мен кўрмаган...»<sup>11</sup> деб бошланувчи ғазали билан Аваз Ўтар ўғлининг «Мен чекмаган дарду меҳнат...»<sup>12</sup> асари қиёсланиб, ўзаро таъсир, муштарақлик ва ўзига хослик масалалари тадқиқ этилади.

Бобораҳим Машраб ижодига хос оҳангдорлик, ифода равонлиги, фикрнинг чуқур фалсафий ифодаси ҳам ушбу давр ижодкорлари учун таъсир

<sup>5</sup> Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий. Тўла асарлар тўплами. Беш томлик. Иккинчи том // Нашрга тайёрловчилар: Эркинов С., Муниров Қ., Эшонхўжаев Ш. – Тошкент: Фан, 1988. – Б.86.

<sup>6</sup> Абдулла Авлоний. Танланган асарлар. Икки жилдлик. Биринчи жилд // Тўловчи ва нашрга тайёрловчи: Қосимов Б. – Тошкент: Маънавият, 1998. – Б. 218-219.

<sup>7</sup> Очиллов Э. Умрбоқий кўшиқлар. – Тошкент: Шарқ, 2002. – Б.208.

<sup>8</sup> Ўзбек адабиёти. Тўртинчи том. Биринчи китоб // Тўловчи ва нашрга тайёрловчилар: Мажидий Р., Шамсиев П. – Тошкент: Бадий адабиёт нашриёти, 1960. – Б.163.

<sup>9</sup> Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. Йигирма томлик. Иккинчи том. – Тошкент: Фан, 1987. – Б. 188.

<sup>10</sup> Сидқий Хондайлиқий. Навбахор // Нашрга тайёрловчилар: Қосимов Б., Жалолов А., Асиллов А. – Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1984. – Б.15.

<sup>11</sup> Бобур. Танланган асарлар // Нашрга тайёрловчилар: Азимжонова С., Қаюмов А. – Тошкент: Ўзбекистон Фанлар академияси Фан нашриёти, 1958. – Б.56.

<sup>12</sup> Аваз. Девон. – Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1978. – Б.77.

манбаи вазифасини бажарди. Масалан, Қорийнинг «Машраб ғазалига мухаммас»<sup>13</sup> идаги шоир шеърларига мос қофия тизими, фикр ифодалаш услуби, матнда қўлланган сўз ва ибораларнинг ўхшаш, ўзаро уйғун жиҳатлари фикримиз далили бўла олади.

Моҳларойим Нодира ижодига хос бўлган хонликлар ўртасидаги тожу тахт учун курашлардан норозилик, жоҳил амалдорлар, риёкор зоҳидларни қоралаш, даврнинг инсонийликка зид бўлган мудҳиш қоидалари ва ярамас урф-одатларга қарши кураш, адолатпарварлик ҳамда маърифатпарварликни улуғлаш ғоялари Нодимнинг «Тоқим бошимга тушди ситамкор эҳтиёж...»<sup>14</sup>, Аҳмад Табибийнинг «Эй кўнгил, сифла қошида қилма арзи эҳтиёж...»<sup>15</sup> шеърлари билан қиёсан таҳлил этилган.

**Бобнинг «Ўзбек, турк, татар, озарбайжон шеърлятида давр муаммолари ва истиқлол ғояларининг акс этиши»** номли иккинчи фаслида бу давр шеърлятида, аввало, маърифат орқали шахс камолотини таъмин этиш ғояси, сўнг оддий инсон ва унинг турмуш тарзи тасвири етакчилик қилиши ҳақида фикр юритилган. Профессор Қ. Йўлдош: «Адабиёт XIX асрнинг иккинчи ярмидан эътиборан Аллоҳ, одам ва ишқ муносабатларининг анъанавий тадқиқидан маиший турмуш реалликлари тасвирига ўтди... Дастлаб Комил, Муқимий, Завқий, Фурқат, Аваз сингари адиблар ижодида юз кўрсатган бу хусусият жаҳид адабиётининг асосий белгиси бўлди»<sup>16</sup> дея таъкидлайди.

Усмонли турк адабиётининг Зиё Кўкалп, Холид Фаҳрий, Ўрхон Сайфий, Юсуф Зиё, Номик Камол, Тавфиқ Фикрат каби намояндалари ижодидаги янги давр воқелигини кенг акс эттирувчи шеърый шакллар топиш ҳамда лирик соддаликка эришишдаги маҳоратлари XIX асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошлари ўзбек шоирлари ижодига катта таъсир кўрсатди.

А.Сабирдиновнинг «Турк шеърлятида инсон руҳиятига уйқаш табиат тасвири тасаввуфона фалсафа билан уйғунлашиб кетади»<sup>17</sup> деган фикри Абдулҳақ Ҳомид, Тавфиқ Фикрат, Зиё Тавфиқ ижодида ўз тасдиғини топган. Турк шеърлятида ҳам мазмун, ҳам шакл жиҳатидан янгилик қилган Тавфиқ Фикрат асарларининг Фитрат, Чўлпон, Элбек каби ижодкорларга таъсири мисоллар асосида ўрганилган. Тавфиқ Фикратнинг «Тарихи қадим»и билан Абдурауф Фитратнинг «Шарқ»<sup>18</sup> шеъри қиёсан таҳлил этилган. Тавфиқ Фикрат Улуғ Туркистоннинг «Манглайда ажинлари олти минг йиллик бўлган, боши мозийда, поёни номаълум бўшлиқда сурунган тарих»и ҳақида сўзласа, Абдурауф Фитрат Шарқнинг ўтмишдаги гўзал боғлари, мағрур тоғлари ҳамда кейинчалик маданият деган ғарблик олбостининг кўкрагига ўқ босган» пайтидаги, яъни мустамлака остидаги манзарасини тасвирлаган. Шоир ўтган

<sup>13</sup> Ўзбек адабиёти. Тўрт томлик. Тўртинчи том. Биринчи китоб. – Тошкент: Бадиий адабиёт нашриёти, 1960. – Б.370.

<sup>14</sup> Ўзбек адабиёти. Бешинчи том. Иккинчи китоб // Тўпловчи ва нашрга тайёрловчилар: Мажидий Р., Шамсиев П. – Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги Бадиий адабиёт нашриёти, 1968. – Б.31.

<sup>15</sup> Табибий. Танланган асарлар. – Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги Бадиий адабиёт нашриёти, 1968. – Б.16.

<sup>16</sup> Йўлдош. Қ. Ёниқ сўз. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2006. – Б.29.

<sup>17</sup> Сабирдинов А. Ойбекнинг шеърый маҳорати. – Тошкент: Фан, 2005. – Б.35.

<sup>18</sup> Абдурауф Фитрат. Танланган асарлар. Беш жилдлик // Нашрга тайёрловчи ва изоҳлар муаллифи: Филол. фан. докт., профессор Болтабоев Ҳ. 1-жилд. – Тошкент: Маънавият, 2000. – Б.42.

асрнинг 10-йиллари охири – 20-йиллар бошларидаги Туркистоннинг оғир, аянчли ҳолатини шеърий сатрларда акс эттиришга муваффақ бўлган. Хусусан, профессор Б.Каримов шоирнинг «Миррих юлдузига» шеъри таҳлилида «... шу тариха битилган мисралар 20-йиллар муҳитидаги аввалги Фитратнинг руҳиятини кўрсатади»<sup>19</sup>, дея қайд этгани ҳолда XX асрнинг бошлари билан 30-йиллардан кейинги Фитрат ижодини яхши фарқлай билиш лозимлигини уқтиради.

Тадқиқотда Номиқ Камол<sup>20</sup>нинг турк адабиётида Ватан, унга боғлиқ ҳолда миллий бирлик ғояларини улуғлаш фикри билан Абдулла Авлоний асарларидаги муштарак жиҳатлар қиёсий таҳлилга тортилган. Ёки Шиносий XIX асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошлари туркий эллар ҳолатига назар ташлаб, шундай хулосага келади: «Рума бир овруполи бут верали равнақ ва шон, Рашки иқлими фиранк ўлмалидир Туркистон»<sup>21</sup>. Унинг фикрларига мос тарзда Абдулла Авлонийнинг «Мактаби Гулистони» дарслигидан жой олган «Тоғлардан бир манзара» шеърида ушбу ҳолат сабабини илмсизликда кўради: «Ёвропо маъданларни истаб топура, Афсус, биз фан илмини отғон эмиш»<sup>22</sup>.

Хуллас, турк шеъриятида тасвирланган инсон ақлга, тафаккурга юз бурган шахс сифатида намоён бўлса, ўзбек шеъриятида юрт озодлиги, миллат тараққиёти учун курашчига айланган фидойи қиёфасида акс этади.

Академик Гафур Ғулом шундай ёзади: «...ўзбек халқи орасида бошқа миллатлар адабиётидан энг кўп тарқалгани, шубҳасиз, татар адабиёти эди... Абдулла Тўқай, Мажид Гафурий, Фотиҳ Амирхон ва Олимжон Иброҳимовларнинг тиллари ўзбек ва қозоқларга жуда яқин эди. Татарча китобларнинг Туркистонда кўп тарқалишининг сабаби ҳам шунда... Бинобарин, кўпгина ўзбек зиёлиларининг уйида татарча роман, ҳикоя ва шеър тўпламлари ҳамда татар тилида чиқарилган газета ва журналлар топиш мумкин эди. Табиийки, ўзбек зиёлиларининг шахсий кутубхоналарида Тўқай асарлари муҳим ўрин тутарди»<sup>23</sup>. Дарҳақиқат, татар халқининг оташин шоири Абдулла Тўқай ўз даврининг долзарб масалаларини акс эттирган гўзал шеърияти, ўткир ҳажвий асарлари билан Исҳоқхон Ибрат, Абдулҳамид Чўлпон, Ҳамза Ҳакимзода, Абдулла Авлоний, Муҳаммадшариф Сўфизода сингари ижодкорлар диққатини ўзига тортган. А.Ўрозаев таъкидлаганидек, «Тўқай татар адабиётида... танкидий реализмга асос солди, татар болалар адабиётининг негизини қурди, замонавий татар адабий тилини яратувчиларнинг улуғ намояндаси бўлди. Демакким, Тўқай татарларнинг маданий тараққиётида бутун бир янги даврни бошлаб берган зўр новатор ва маданий арбобдир»<sup>24</sup>.

<sup>19</sup> Каримов Б. Янгилаш соғинчи. – Тошкент: Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси «Адабиёт учкунлари» нашриёти, 2004. – Б. 65.

<sup>20</sup> Büyük türk klasikleri. – С. II.– Istanbul: Ötüren – Süğüt, 1992. – S. 263.

<sup>21</sup> Исмоил Порлатир. Янги турк шеърияти // Жаҳон адабиёти. – 1998 йил, 3-сон. – Б.113.

<sup>22</sup> Абдулла Авлоний. Танланган асарлар. 2 жилдлик. 1-жилд. – Тошкент: Маънавият, 1998. – Б.204.

<sup>23</sup> Гафур Ғулом. Мукамал асарлар тўплами. Ўн биринчи том. Адабий-танкидий мақолалар // Нашрга тайёрловилар: Жалолов А., Рўзиматов В.– Тошкент: Фан, 1989. – Б. 350.

<sup>24</sup> Ўрозаев А. Абдулла Тўқай // Абдулла Тўқай. Танланган асарлар. – Тошкент: Бадий адабиёт нашриёти, 1961. – Б. 3- 4.

Ишда Абдулла Тўқайнинг «Ойна бош», «Мақтаниш», «Эшоннинг зори» каби шеърларида ўз даври диндорлар хажвий қиёфаси реалистик талқинини топган. Хива адабий мактаби намояндаси Абдураззоқ Фақирининг «Эшон» радибли ғазалида тасвирини топган ифодалар Тўқай шеърлари билан бирига уйғун экани қиёсий таҳлил этилган. Шунингдек, Абдулла Тўқай шеърларида ҳам, Абдулхамид Чўлпон асарларида ҳам баҳор бева-бечораларга қулайлик келтирувчи, қиш эса ноқулай фасл сифатида тасвирланади. Абдулла Тўқай шеърларида жамиятдаги ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар тез кунларда рўй беришига ишора қилинса, Чўлпонда унга даъват баралла акс этади. Профессор С.Мамажонов «Хамзани Пушкин, Лермонтов, Некрасов, Л.Тольстой, М.Горький, Байрон, Гёте, Шиллер, Гейне мактабидан баҳра олиб камол топган Абдулла Тўқай шеърятининг ғоявий-бадий кўлами, сатирасининг ўткир тифи, публицистикасидаги ...оҳанг жалб этди»<sup>25</sup> дея эътироф этади. Шунингдек, у «Оқ гул» бўлимига кирган эрлар-қизлар диалоги шаклидаги асарига «татар ҳофизларидан муҳтарам Муҳаммад Камол ал-Муътий ҳазратларининг куйларидан бир шеър ўлуб, тўрт мисраси эр, тўрт мисраси қиз тарафиндин ўқилур», деб ёзиб қўяди. Бу ҳофиз 1912 йилда Тошкент, Қўқон, Наманган шаҳарларида гостролда бўлиб концертлар берган. Унинг репертуаридаги Абдулла Тўқайнинг талайгина қўшиқлари Хамзанинг ушбу қўшиғи билан оҳанги жиҳатидан ўзаро яқин. Бунинг сабаби, Хамза «Муҳаммад Камол ал-Муътий концертларида иштирок этган, у билан мулоқотда бўлган»<sup>26</sup>. Тадқиқотда Абдулла Тўқайнинг «Иш»<sup>27</sup> шеъри билан Абдулла Авлонийнинг «Иккинчи муаллим» дарслигидаги «Боғча»<sup>28</sup> шеърида мавзу ва лирик қаҳрамон талқинларидаги уйғунлик таҳлил этилиб, ижодий таъсир масаласи ёритилган.

Диссертацияда озарбайжон адабиётининг улуғ намояндаси Муҳаммад Фузулийнинг «Сайр қил, кўрким, гулистоннинг на обу тоби вор...»<sup>29</sup> ғазали билан Хамза Ҳакимзоданинг «Бу кунлар фурқатингда турфа ҳолу изтиробим вор...»<sup>30</sup> шеъри қиёсий ўрганилган. Уларнинг бирида шоир ахлоқий муаммога эътибор қаратиб, борлиқ гўзалликларидан баҳра олишга, уни эъзозлашга чақирса, иккинчисиде ишқ муаммоси реалистик талқинини топган.

Профессор Б.Қосимов таъкидлаганидек, «Шеърятимизга уруш мавзусининг кириб келишини қардош татар ва озарбайжон адабиётлари билан қиёслаш масалани равшанроқ тушунишга ёрдам беради. Машхур М.Ғафурий 1914 йилнинг октябрида «Фитрат замони» деган шеър ёзган ва Оллоҳга мурожаат қилиб, уруш даҳшатларидан сўз очган эди... А.Хариснинг «Сўғиш»

<sup>25</sup> Мамажонов С. Абдулла Тўқай ва Хамза // Хамза Ҳакимзода ижоди проблемалари. – Тошкент: Фан, 1982. – Б.243.

<sup>26</sup> Мамажонов С. Абдулла Тўқай ва Хамза // Хамза Ҳакимзода ижоди проблемалари. – Тошкент: Фан, 1982. – Б.244-245.

<sup>27</sup> Абдулла Тўқай. Танланган асарлар. – Тошкент: Бадиий адабиёт нашриёти, 1961. – Б.191.

<sup>28</sup> Абдулла Авлоний. Танланган асарлар. Икки жилдлик. Биринчи жилд. – Б.16.

<sup>29</sup> Муҳаммад Фузулий. Асарлар. Икки жилдлик. Биринчи жилд. Девон // Озарбайжончадан нашрга тайёрловчи: Холид Расул. – Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1968. – Б.124.

<sup>30</sup> Хамза Ҳакимзода Ниёзий. Тўла асарлар тўплами. Беш томлик. Биринчи том. Девон. – Тошкент: Фан, 1988. – Б. 66.

(1914) шеърида масала жуда кенг қўйилади. Унингча, ёмонлик инсонларнинг қон-қонига сингиб кетган хусусият. Бу инсоният тарихи билан бошланган...»<sup>31</sup>

Машхур озарбайжон шоири Муҳаммад Ҳодийнинг «Инсонларин тарихий фожиалари ёхуд Алвоҳи интибоҳ»<sup>32</sup> поэмасида I жаҳон уруши бошланган даврдаги халқлар ўртасидаги таранг вазият, кишиларнинг аҳвол-руҳиятидаги тушкунлик, давлатлар олиб бораётган сиёсатнинг алдамчилиги изчиллик билан ҳаққоний талқинини топгандир. Шоир бадий ифодаларда урушнинг бор даҳшатини, унинг инсоният бошига солган кулфатини маҳорат билан акс эттиради. «Муҳораба натижаси»<sup>33</sup> (1914) номли шеъридаги уруш даҳшати акс этган манзаралар талқинида Абдулла Авлонийнинг Муҳаммад Ҳодийдан ижодий таъсирланганини сезиш мумкин.

Бобнинг «Ўзбек ва рус шеъриятидаги муштараклик ҳамда ўзига хосликлар» деб номланган учинчи фаслида даврнинг долзарб муаммоларини реалистик акс эттиришда, унда фаол муносабатдаги лирик қаҳрамон қиёфасини юз кўрсатишида икки халқ шеърияти ўртасидаги адабий алоқа ва ўзаро таъсир катта бўлганлиги ёритилган.

Рус халқи ҳаёти, илм-фани, маданий янгиликлари, шунингдек, рус адабиёти билан яқиндан танишиш орқали унинг ўзбек, жумладан, Комил Хоразмий, Аваз Ўтар ўғли, Муқимий, Фурқат, Ибрат, Ҳамза, Авлоний, Чўлпон каби намояндалари шеъриятига кўрсатган ижодий таъсири юзага келди. Айниқса, шоир, хаттот, бастакор, мусиқашунос, таржимон, давлат арбоби Комил Хоразмий рус илм-фани, тили ва маданияти билан яқиндан танишлиги боис ижодий таъсирланишнинг ҳосиласи бўлган шеърлар яратди. Диссертацияда Комил Хоразмийнинг «Ики шўх» ғазали таҳлили орқали ўзаро таъсир масаласи тадқиқ этилган.

Аваз Ўтар ўғлининг «Тил»<sup>34</sup>, Фурқатнинг «Илм хосияти»<sup>35</sup> шеърларида тил ўрганмоқнинг, илм-ҳунарнинг жамият тараққиётидаги аҳамияти тараннум этилишида рус маданий ҳаётининг таъсири масалалари ёритиб берилган.

XIX асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошлари ўзбек шеъриятига рус адабиётининг таъсирини Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий ижоди мисолида ҳам яққол кўриш мумкин. «Ҳамза бадий оламига рус адабиёти Абдулла Тўқай тажрибаси орқали ҳам кириб келган. Ҳамзанинг «Ишчи бобо» ашуласининг мавзуси, ғояси ва шакли ҳам ўзбек поэзияси учун янгилик... Бу шеър ва ундаги машхур мисралар А.Кольцовнинг «Что ты спишь, мужичок?» деган шеърини эслатади»<sup>36</sup>. Гарчи эрк ва озодлик тўғрисидаги орзуларнинг сароб эканлигини ҳокимият тепасига келган шўролар сиёсати исботлаган бўлса-да, Ҳамза ўз шеърида ғафлат уйқусидаги ишчи бобони уйғонишга ундаш орқали инқилоб

<sup>31</sup> Қосимов Б. Миллий уйғониш. – Тошкент: Маънавият, 2002. – Б.140-141.

<sup>32</sup> Муҳаммад Ҳодий. Ҳаёт садолари // Рауф Парфи. Туркистон руҳи. Сайланма. – Тошкент: Sharq, 2013. – Б.274.

<sup>33</sup> Абдулла Авлоний. Танланган асарлар. 2 жилдлик. 1-жилд. – Б.223-224.

<sup>34</sup> Аваз Ўтар ўғли. Девон. – Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1976. – Б.180.

<sup>35</sup> Фурқат шеъриятдан // Тўпловчи: Холид Расул. – Тошкент: Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг нашриёти, 1980. – Б.70.

<sup>36</sup> Мамажонов С. Абдулла Тўқай ва Ҳамза // Ҳамза Ҳакимзода ижоди проблемалари. – Тошкент: Фан, 1988. – Б.245.

халқнинг турмуш тарзини яхшилайти, унга хуррият ҳади этади, деган фикрни илғари суради. Ушбу ўринда А.Кольцов шеъридаги деҳқонни уйғотмоққа, қаддини кўтариб, ўзини англамоққа ундов Ҳамзанинг ишчи бобони сесканишга, меҳнат қилишга чорловчи сатрларини яратилишига ижодий туртки берган. А.Кольцов шеърида ахлоқий муаммо – дангасалик, ишёқмаслик, беғамлик, лоқайдлик каби иллатларни қоралаш етакчи ўринда туради. Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий эса ушбу шеърдан ижодий туртки олган ҳолда даврнинг долзарб ижтимоий-сиёсий масаласига эътибор қаратган.

Диссертацияда А.Блок, А.С.Пушкин асарларини ўзбек тилига таржима қилган, жамиятдаги долзарб, оғриқли муаммоларни ўз шахсий дардига айлантира олган Абдулҳамид Чўлпон ижодида эрк ва озодлик ғояларининг кенг ўрин олишида рус адабиётининг таъсири ҳам атрофлича таҳлил этилган. Чўлпон 1922 йилда таржима қилинган номаълум рус шоирининг «Одам ва куш», А.С.Пушкиннинг «Банди», «Булбул ва гул» шеърларини ўзбек тилига таржима қилиб, маҳорат сирларини ўрганди. Шоир шўро давлатининг мустамлакага асосланган сиёсатини қораларкан, «Тонг» шеърида 20-йиллар манзарасини ҳаққоний тасвирлашга эришади. Академик Н.Каримов «Чўлпоннинг улуғворлиги шундаки, у XX аср ўзбек адабиётини янги бир поғонага кўтариб, ўзбек адабий тилининг шаклланиши ва раванқ топишига улкан ҳисса қўшибгина қолмасдан, халқда Ватан, Миллат, Истиклол тушунчаларининг теран маъно касб этишига ҳам мислсиз даражада катта таъсир кўрсатди»<sup>37</sup>, дея таъкидлайди.

**«XIX асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошлари ўзбек шеърияти бадияти»** деб аталган иккинчи бобнинг «**Давр муаммолари тасвирида фикр ва туйғу уйғунлиги**» номли биринчи фаслида туйғу – фикр – ғоя занжирининг асосида лирик образ мавжудлиги ёритилган. Бу давр ўзбек шеъриятида бетакрор ифода ва образлар воситасида, аввало, ҳис-туйғуларга таъсир кўрсатиб, халқнинг тафаккурини турли урф-одат ва диний қарашлар ниқобидаги ярамас иллатлардан тозалашни бош вазифа этиб белгиланганлиги асосланган. Бу давр шеърияти халқнинг жаҳолат ботқоғидан халос этиб, мустақиллик, эрк ва озодлик учун кураш йўлига олиб чиқмоқни мақсад қилди. Айниқса, таълимни ислоҳ этиш, хорижий ўқитиш тизимидан илғор жиҳатларни Туркистонга олиб кириш, ўша даврнинг долзарб, кечиктириб бўлмас масалаларидан эди.

Чор Россияси мустамлакаси оқибатида Туркистонда юзага келган маориф тизимидаги оғир ҳолат шўролар даврига келиб ҳам ўзгармади. Вадуд Маҳмуд ёзади: «...бутун Туркистонимизда бармоқ билан кўсатилирлук бир мактабимиз йўқдур; бизда тарбия ишларимиз шундай муҳим экан, билим юртларимиз хароб; бизда ўқуғон кишилар қанча бўлмаса, факультетларимиз шунча бузук. Ҳозир биз тартиблик суратда ўқитувчи чиқара олатурғон бир илмий муассасага эга эмасмиз»<sup>38</sup>. Ана шу тариқа маърифатнинг ўчоғи мактаб эканини англаган зиёлилар ёшларнинг унга бўлган муҳаббатини уйғотишни мақсад қилдилар.

<sup>37</sup> Каримов Н. XX аср адабиёти манзаралари. – Тошкент: O'zbekiston, 2008. – Б.189.

<sup>38</sup> Вадуд Маҳмуд. Танланган асарлар // Нашрга тайёрловчи, сўзбоши, луғат ва изоҳлар муаллифи филол. фан. докт... Каримов Б. – Тошкент: Маънавият, 2007. – Б.115.



Ушбу ўринда профессор Й.Солижоновнинг «Бу давр адабиёти маърифатни тарғиб қила бошлади, маърифат эса истиқлол ғояларини кўтариб чиқди»,<sup>39</sup> деган фикри характерлидир.

Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг «Енгил адабиёт»<sup>40</sup> дарслигидаги олтинчи, еттинчи, саккизинчи, тўққизинчи, ўнинчи, ўн биринчи, ўн иккинчи, ўн учинчи дарслар мактаб таърифига бағишланган. Уларда мактаб «диннинг чироғи», «миллат атоси», «миллат йўлдоши», «миллат жони» сифатида таърифланади. Абдулла Авлонийнинг «Адабиёт ёхуд Миллий шеърлар» мажмуаси иккинчи жузъига кирган «Илм»<sup>41</sup> шеърида эса илмга интиломқни даврнинг ўзи талаб этаётганини нозик туйғулар сингдирилган сатрларда ифодаланган. Абдулла Авлоний шеърларининг таъсирчанлиги, аввало, фикр ва туйғулар ҳаётлигида, воқеликнинг ҳаққонийлигида кўринади. Бундан ташқари, Хива адабий мактаби вакили Абдуразоқ Фақирий миллат бошига келган бу балоларни нафақат чор Россиясининг мустамлака сиёсати, балки маҳаллий амалдорларнинг халққа қилаётган зулмида кўради.

Шоирнинг

Эй сипоҳи феълибад, коринг мудом озор эрур,

Чорасиз, бечора халқ сиз наҳсдин безор эрур

каби мисраларида асли эл кўриқчиси бўлган сипоҳиларнинг ўзлари халқ бошига офат эканликлари, уларнинг зулмидан кишиларнинг тунлари озор топишлари танқид остига олинган. Ёки ушбу адабий мактабнинг яна бир вакили Муҳаммад Юсуф Муҳаммад Ёқуб ўғли Чокарнинг қуйидаги ғазалида ҳам миллатнинг оғир аҳволига жоҳил, нодон кишилар сабаб бўлганига ишора қилинган:

Жоҳилу нодонлар ўрнидур таайюш маснади,

Бўлди доноларни жойи ғами била зеру туроб.

Чора бечора тилоса, пора сипоҳи тилар,

Мулла бир ёндин ижорасин сўраб бергай азоб<sup>42</sup>.

Мазкур мисралар орқали шоир Туркистонда илдиз отган иллатларни донолар ғамда, бечораларга чора йўқлигини, сипоҳи порахўрлигини, мулла эса ижарага жой тополмай азобда эканини фош этар экан, даврнинг оғриқли ижтимоий муаммоларига эътибор қаратган.

Бобнинг иккинчи фасли «Тасвирийликнинг аҳамияти» деб номланган бўлиб, унда чор Россиясининг мустамлакачилик сиёсати, баъзи амалдорларнинг халққа қилган зулмлари, кейинчалик ҳокимият тепасига келган шўро ҳукуматининг ёлғон ваъдалари даврнинг сиёсий муаммоларини келтириб чиқаргани ва улар ифодасида тасвирийликнинг ўрни ҳамда аҳамияти тадқиқ этилган. Сидқий Хондайлиқий «Табий ҳақиқат» шеърида «ҳукумат била ҳар ким ўйнаса гўёки бош ўйнаши, ҳукумат бир ёнар ўт экани ва исёнчини куйдириши, ҳукумат бир темир кўрғон бўлиб, катта дасторлар кураш ўйнаши»

<sup>39</sup> Солижонов Й. Зулматдан нур қидирганлар. – Тошкент: Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2007. – Б.3.

<sup>40</sup> Ниёзий Х.Х. Тўла асарлар тўплами. Беш томлик. Иккинчи том. – Тошкент: Фан, 1988. – Б. 321-322.

<sup>41</sup> Авоний А. Танланган асарлар. – Тошкент: Маънавият, 1998. – Б.98.

<sup>42</sup> Ўзбек адабиёти. Бешинчи том. Иккинчи китоб. – Б.271.

ҳақида сўзлайди. 1925 йил 15 сентябрь куни ёзилган мазкур шеър пролетар диктатураси ўрнатилган, Сталиннинг қатағон сиёсати оёққа тураётган даврга айбнома сифатида жаранглайди. Лирик қаҳрамонининг фикрлари нечоғлик тўғри эканини XX асрнинг 20-ва 30-йиллари сўнгидаги юзлаб зиёлиларнинг қатлиом қилиниши исботлади.

Сидқий Хондайлиқий «Муҳораба дафъи учун муножот» мухаммасида биринчи жаҳон урушининг Туркистон халқлари ҳаётидаги оғир оқибатларини изчиллик билан бандма-банд тасвирлашга эришади. Шоирнинг мазкур шеърий картинасида унинг рассом сифатидаги истеъдоди ҳам юз кўрсатаётгандек бўлади. Ёки Абдулла Авлонийнинг «Муҳораба натижаси» шеърида ҳам изчил тасвирийлик орқали 1914 йилда бошланган биринчи жаҳон уруши оловининг алангаланиш сабаблари ифодаланади. Абдулла Авлоний Сидқий Хондайлиқийдан фарқли равишда уруш келтириб чиқарган оқибатларни эмас, балки унинг сабабларини қаламга олади.

Шоир «Замон аҳволиндин»<sup>43</sup> деб номланган шеърида XIX асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошларидаги Туркистоннинг ғафлат уйқусидаги оғир ҳолатини ёритишни мақсад қилган. Шеърда мустамлака Туркистондаги, узокни кўра олмайдиган амалдорлар бошқарувидаги, жаҳолат исканжасидаги халқнинг оғир аҳволи тасвирланади.

Ижодкор Туркистоннинг ночор манзараларини изчил тасвирларкан, шеърнинг сўнги бандларида ўлканинг илму маърифатдан йироқ, аянчли ҳолатини акс эттириб, тараққиётидаги ўзга мамлакатларнинг илғор жиҳатлари билан қиёслайди. Ёки Абдулҳамид Мажидийнинг «Нотавон қизил чойхоналар» шеърида шўро даврида ташкил этилган маданият маскани - «қизил чойхона»нинг XX асрнинг 20-йилларидаги аянчли ҳолати тасвирига эътибор қаратилади. 1927 йилда ёзилган мазкур шеърда биз халқни тараққиётга олиб чиқамиз, деб бонг ураётган, ўзларини Туркистон халқларидан кўра илғор, маданиятли, маърифатли, «бахт маёғи» ҳисобловчи большевикларнинг ўлкани жаҳолат ботқоғига янада ботираётганликлари кескин фош этилади.

Бобнинг «**Шеъриятда халқчиллик ва миллий ифода**» деб номланган учинчи фаслида бу давр шеъриятида баландпарвоз, дабдабали ифодалардан ҳоли, халқнинг турмуш тарзи, унинг ҳаётини ҳаққоний акс эттирувчи, омма тилига яқин услуб устуворлик қилиши таҳлил қилинган.

Маълумки, Аваз Ўтар ўғлининг «Халқ»<sup>44</sup> номли ғазалида Туркистоннинг мустамлака ҳамда маҳаллий амалдорлар зулми остидаги оғир ҳолати тасвирланади. Шоир жаҳон мулкида Туркистон халқидек ожизу бечора, зулм тиғи бирла бағри юз минг пора бўлган топилмаслигидан изтироб чекади. У «Топар эркан қачон...» номли ғазалида эса «олам аҳлидан қолмай юриш» учун нималар қилиш зарурлиги ҳақида фикр юритади.

Комил Хоразмийнинг «Ютубон бу замонда...»<sup>45</sup> деб бошланувчи ғазалида эса фузалоларнинг давр исканжасидаги оғир турмуш тарзи ўзининг реалистик талқинига эга. Бир томонда «қадим-жадид» можаролари, иккинчи томонда чор

<sup>43</sup> Абдулла Авлоний. Танланган асарлар. 2 жилдлик. I жилд. – Тошкент: Маънавият, 1998. – Б.106.

<sup>44</sup> Ўзбек адабиёти. Тўрт томлик. Тўртинчи том. Биринчи китоб. – Тошкент: Бадиий адабиёт нашриёти, 1960. – Б.229.

<sup>45</sup> Ўзбек шеърияти антологияси. Беш томлик. Учинчи том. – Тошкент: Бадиий адабиёт нашриёти, 1961. – Б.267.

мустамлакачиларининг шовинистик сиёсати, маҳаллий амалдорларнинг гафлатга ботган ҳолати эл-юрт истиқболи учун қайғурувчи фидойи зиёлиларни ночор аҳволга солдики, Комил Хоразмий ушбу манзарани теран англаган ҳолда акс эттиради. Туркистонда фузало кимгадир фойда келтирса, зиён кўришини, жоҳилларга мулозимлик қилиб емакка нон тополмаганлигини тасвирларкан, ушбу манзара одатий ҳодисага айланганидан қайғуга ботади.

Туркистонда тобора илдиз отиб бораётган дабдабазлик, тўй-ҳашамларга берилиш, «мен сендан қоламанми» қабилидаги ортиқча исрофгарчиликларга ружу қўйиш ўтган аср бошлари зиёлиларини, теран фикрловчи илм аҳлларини бефарқ қолдирмади. Бундай иллатлар танқиди шеърятнинг асосий мавзуларидан бўлди. Абдулла Қодирий XX асрнинг 10-йиллари маҳсули бўлган «Тўй» номли шеърида халқ орасида тўй бериш «жавлон қилганлиги», «оқчаси йўқни тўй ҳайрон этган»лигини ифодаларкан, шоир ушбу воқелик манзараларини янада чуқурроқ акс эттира боради. Халқ орасида одатга айланаётган, ўртаҳолларни вайрон қилиб, қашшоқларнинг аҳволини оғирлаштираётган тўйнинг оқибатлари ҳақида огоҳлантирган шоир исрофгарчилик диний урф-одатларга ҳам ҳилофлигини уқтиради. Профессор Б.Қосимов таъкидлаганидек: «Ҳаққонийлик асар мазмунининг ёки образ моҳиятининг салмоқдорлиги, бошқача айтганда, концептуаллиги орқали белгиланади. Бинобарин, ҳаққонийлик бадиий асар ёки образнинг миллийлиги, халқчиллиги умуминсоний қадриятлар маҳаллий шарт-шароитга оид тафсилларни ўз ўрнида табиий қўллаш даражаси билан боғланади»<sup>46</sup>. А.Қодирий ҳам «Тўй» шеърида бадиий асарнинг халқчил бўлиши тамойилларига тўла риоя қилган ҳолда содда ифодаларда даврнинг ёмон одатлар исканжасидаги манзарасини чизади. У мазкур шеърида ортиқча исрофга берилган шахслар фожиасини ёритган бўлса, Муҳаммад Аминхўжа Муқимий эса «Тўй» номли ҳажвий асарида Иқонда тўй қилган бир гумаштанинг ортиқча хасислигини кулгили тарзда кўз олдимизда намоён этади.

Дилафкорнинг «Ҳануз»<sup>47</sup> радибли шеърида ҳам Туркистонда илдиз отган жаҳолат, тараққиётдан ва илму маърифатдан йироқлик, танбаллик, вақтни беҳуда созуриш иллатлари равон тил, халқчил ифодаларда ёритилади. Ёки Каримбек Камийнинг «Ҳар кишида илму санъат...»<sup>48</sup> деб бошланувчи китъаси ҳар бир шахснинг ўз такомил учун қайғурмоғи тўғрисида бўлиб, ундаги меҳнатнинг инсон турмуш тарзини яхшилашдаги ўзига хос ўрнининг таъкидланиши шеърнинг халқчиллиги ва миллий ифода бўёғини таъминлайди.

Диссертацияда «Туркистон вилояти газети»нинг 1903 йил 31 январь, 4-сонидан эълон қилинган «Андижоннинг вақт хайрат афзо хусусида тошкентлик шоир Камийнинг махсус услубда айткон ашъори» (انديجان نينگ وقت) (حیرت افزا خصوصیہ تاشکندلیک شاعر کمی نینگ مخصوص أسلوبدا ایتکان اشعارى) эски ўзбек ёзувидан кирилчага ўгирилган табдили ўрин олган. Шеър тўққиз банд

<sup>46</sup> Саримсоқов Б.И. Бадиийлик асослари ва мезонлари. – Тошкент, 2004. – Б.98.

<sup>47</sup> Ўзбек адабиёти. Тўртинчи том. Биринчи китоб. – Тошкент: Бадиий адабиёт нашриёти, 1960. – Б. 309-310.

<sup>48</sup> Каримбек Камий. Дилни обод айлангиз... Танланган асарлар // Тўпловчи, нашрга тайёрловчи, сўзбоши ва изоҳлар муаллифи: Олим Олтинбек. – Тошкент: Маънавият, 1998. – Б.121.

эллик олти мисрадан иборат. Хар бир банд сўнгида лирик қаҳрамоннинг кун ора вақти-вақти билан ер силкиниши тўхтамаётганидан паноҳ тилаб Яратганга қилган илтижолари нақорат кўринишида ифодаланган.

Шеърда

الامان بو ذ لذ له آفاتين مينگ الامان  
سقله اوز لطفنگ بيلان اى خالق كون و مكان<sup>49</sup>

Ал-амон, бу зилзила офотидин минг ал-амон,  
Сақла ўз лутфинг била, эй Холиқи кавну макон

сатрлари такрорланиб туради. Шоир мазкур шеър орқали табиий офат натижасида юзага келган давр муаммосига эътиборини қаратади. Бу, аввало, лирик қаҳрамоннинг ўз дунёқарашидан келиб чиққан ҳолда Тангрининг хайр-саховатни, инсоний фазилатларни унутганларга жазоси сифатида талқин қилганида кўринади.

Учинчи боб «Давр шеърятининг шаклий хусусиятлари» деб номланган. Бобнинг «Шеърый вазнларда лирик қаҳрамон ва давр муаммолари талқини» номли биринчи фаслида ўша давр шеърятини Туркистон ҳаётига кириб келаётган илғор фан-техника янгиликларини тарғиб этиш вазифалари турганлиги баён этилган. Айрим ижодкорлар бу вазифани амалга ошириш учун янги шакллар танлаганликлари, лекин бошқа бир қатор ижодкорлар анъанавий аруз вазнидан самарали фойдаланишга интиланлари кўзга ташланади. Улар арузнинг мазмунан янгиланган турли жанрлари ва вазнларидаги шеърларида даврнинг ҳаққоний ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий манзараларини поэтик талқин этдилар. Жумладан, Каримбек Камий аруз вазнининг «ҳазажи мусаддаси маҳзуф» вазнида ёзган «Яхши»<sup>50</sup> радифли ғазалида бу ҳолатни кўрамиз. Шоир барча даврлар учун муштарак бўлган жиҳатлар: сўзлашиш маданияти, қариндош-уруғчилик муносабатлари, бойлик ва ундан фойдаланиш, ишқ-муҳаббат масаласида яхши ва ёмонни қиёслаш орқали ўз даври кишиларига хос бўлган нуқсон ҳамда камчиликларни танқид қилади.

Шеърда бировлар ҳақида кўз олайтириш, диний эътиқод борасидаги айрим нуқсонлар, ҳаётни фақат кайфу сафодан иборат деб билиш, хўжақўрсинга қилинаётган тақводорлик каби иллатлар аёвсиз фош этилади. Шоирнинг «Гимназия хусусида»<sup>51</sup> манзумаси «ҳазажи мусаддаси маҳзуф» вазнида ёзилган бўлиб, халқчил ифодаси билан ажралиб туради.

«Темир йўл хусусида» шеърини «Бас эмди ўзгача бўлди замона, Агар шарҳ айласам келмас баёна...»<sup>52</sup> деб ёзаркан, шоир гўё чор Россияси Туркистонга олиб келган темир йўлнинг афзалликларини мадҳ этаётгандек бўлади. Жамият ҳаётидаги муҳим янгиликлардан бири саналган темир йўлнинг кишилар оғирини енгил қилишдаги афзалликларини мадҳ этиш орқали халқни жаҳолат уйқусидан уйғотишни ҳам мақсад қилган. Аслида Каримбек Камий ўз

<sup>49</sup> Туркистанская туземная газета. -تركستان ولايتىنىڭ گزىتى. 1903. -№ 4. 31 января 1903 года.

<sup>50</sup> Каримбек Камий. Дилни обод айлангиз... Танланган асарлар. – Б. 106.

<sup>51</sup> Каримбек Камий. Дилни обод айлангиз... Танланган асарлар. – Б.111-113.

<sup>52</sup> Каримбек Камий. Дилни обод айлангиз... Танланган асарлар. – Б.114.

даврининг илғор фикрловчи кишиларидан бири сифатида мустамлакачиларнинг Туркистонга темир йўл олиб келишларидан асл мақсадлари нима эканлигини яхши англаган.

Адабиётшунос О.Тулабоевнинг «Камийнинг ижтимоий шеърияти у яшаган замоннинг умумий кўриниши ва замондошлари аҳволи ҳақида муайян тасаввурга эга бўлишга ёрдам беради. Шоир бунинг учун тўрт усулдан фойдаланган. Булар: 1) чархдан шикоят тарзида; 2) баъзи ижтимоий-сиёсий воқеаларга муносабат кўринишида; 3) замондаги ижтимоий тоифалар образи воситасида; 4) ҳасби ҳол шаклида»<sup>53</sup> деган фикрлари характерлидир. Диссертацияда шоирнинг «Ҳар кишида илму санъат бордур...»<sup>54</sup> қитъаси ҳам арузнинг туркий шеъриятда кенг қўлланган «рамали мусаддаси мақсур» (– V – – / – V – – / – V ~ фоилотун фоилотун фоилон) вазнида битилганлиги таҳлил қилинган.

Н.Афоқова жадид шеъриятини, жумладан, ғазалларини мазмун-мундарижасига кўра уч катта гуруҳга: а) ишқий ғазаллар; б) маърифий ғазаллар; в) ижтимоий ғазалларга ажратгани ҳолда Сидқий Хондайлиқий ғазалларида мантиқий изчиллик, далиллаш, миллий руҳ устувор эканини тўғри таъкидлайди<sup>55</sup>. Р.Жавҳарова эса «Сирожиддин Сидқий ... қайси жанр ёки мавзуга қўл урмасин, ўз вазни ва услубига эга бўлишга эришди,»<sup>56</sup> деб ёзади. XIX асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошлари ўзбек шеъриятида Туркистонга чор Россияси босқини билан бирга кириб келган фан-техника янгиликлари тарғиби алоҳида ўрин тутди. Масалан, Исҳоқхон Ибрат «Тарихи т(а)рактур», «Газет хусусида», «Тарихи чопхона» шеърлари лирик қаҳрамони ўзининг ушбу янгиликлардан олган таассуротларини арузнинг бир қадар енгил, ўйноқи вазнларида ёзган. Унинг аруздаги «ражази мусаммани махбул»<sup>57</sup> (- -V- / V - - / - - V - / V - - мустафъилун / фаулун / мустафъилун / фаулун) вазнида ёзилган «Тарихи т(а)рактур» ғазали ана шундай асарлар сирасига киради.

Бобнинг «**Лирик қаҳрамон туйғулари ифодасида банд тизимларининг аҳамияти**» деб номланган иккинчи фаслида XIX асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошлари ўзбек шеъриятининг хилма-хил банд тизимларига бойлиги, аввало, Шарқ мумтоз шеъриятига хос жанрлар хилма-хиллиги билан боғлиқ бўлса, иккинчи сабаб, бармоқ ва сарбаст вазнидаги шеърларнинг баъзан соф, баъзан қоришиқ ҳолда қўлланила бошлаганида эканлиги илмий жиҳатдан асосланган.

Адабиётшунос М.Тожибоева Ажзий, Ибрат, Авлоний, Хондайлиқий, Сўфизода ижодиётида мусаммат жанри мустаҳкам ўрин олганлигини таъкидлаб ёзади: «Ҳар бир жадид шоири мумтоз мусамматнинг шакл ва услубий жиҳатларини сақлаган ҳолда жанрда ўз ғоя ва мақсадларини ифодалаш учун фойдаланди»<sup>58</sup>. Шунингдек, шеъриятнинг бандлари учлик ва тўртликдан

<sup>53</sup> Тулабоев О. Каримбек Камийнинг ҳаёт ва ижод йўли: Филол. фан. номз... дисс. – Тошкент: 2010. – Б.21.

<sup>54</sup> Ўзбек адабиёти. Тўртинчи том. Биринчи китоб. – Б.354.

<sup>55</sup> Афоқова Н. Жадид ғазалиёти. – Тошкент: Фан, 2005. – Б.13.

<sup>56</sup> Жавҳарова Р. Сидқий Хондайлиқий адабий мероси: Филол. фан. номз... дисс. – Тошкент: 1996. – Б.80.

<sup>57</sup> Аъзам Абдулло. Аруз. Навоий ва Бобур сабоқлари. – Тошкент: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти.–2006. – Б.80.

<sup>58</sup> Тожибоева М. Жадид адиблари ижодида мумтоз адабиёт анъаналри. – Тошкент, 2017. – Б. 80.

иборат кичик жанрларидан лирик қаҳрамоннинг нозик ҳис-туйғулари ифодаси учун фойдаланиш қулай экани исботланган.

Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг «Садои Туркистон» газетасининг 1914 йилги 18 июнь сонидан босилган «Шеър мансур»<sup>59</sup> и уқлик асосидаги сатрлардан иборат бўлиб, ўзбек адабиётидаги сочма шеърнинг дастлабки намунасидир. Шеърнинг лирик қаҳрамони жамиятдаги долзарб муаммо – ўз маишатидан ўзгани билмайдиган Туркистоннинг баъзи амалдор қатламлари турмуш тарзида одат тусига кирган улоқвозлик, жаҳолат, таъмагирлик, хасислик каби иллатлар аёвсиз фош этилади. «Тўқмоқ синди бошларда»<sup>60</sup> шеъри эса мумтоз адабиётга хос мураббаъ шаклида, аммо бармоқ вазнида ёзилган. Шеър лирик қаҳрамони бандма-банд илм-маърифатнинг инсон такомилидаги, жамият тараққиётидаги аҳамиятини изчиллик билан ёрита боради. Шеър қоришиқ вазнда битилган.

Хива адабий мактаби намояндаларидан бири Аҳмад Табибий ижодида мухаммаслар алоҳида ўрин тутади. У Навоий, Лутфий, Фузулий, Мунис, Огахий, Комил, Аваз Ўтар ғазалларига мухаммаслар боғлаган. Ушбу мухаммасларнинг барчаси ишқ-муҳаббат мавзусига бағишланган бўлиб, даврнинг долзарб ижтимоий муаммолари тасвири билан уйғунлашиб кетган. Масалан, унинг «Фузулий ғазалига мухаммас»ида XIX асрнинг охири – XX аср бошларида авж олган «қадим» ва «жадид» можароларга ўзига хос муносабат ҳам билдираётгандек бўлади. Ёки Исҳоқхон Ибротнинг «Қарз»<sup>61</sup> номли мусаддасида Фарғонанинг XX асрнинг 10-йилларидаги оғир аҳволи қаламга олинган. Мусаддас ўн беш банд – тўқсон мисрадан иборат. Шоир 1914 йилги Туркистон манзараларини чизар экан, мустамлака сиёсати натижасида Фарғонадаги оғир ҳолатни тасвирлаган.

Бу давр шоирлари ижодида ишқ мавзуси ижтимоий масалалар билан қоришиқ ҳолда ёритилади. Аҳмад Табибийнинг «Буки бўлмиш қисматини...»<sup>62</sup> мусаммани бунга мисол бўлади. Мулла Абдушукур ўғли Юсуф Сарёмийнинг «Мани, ғам, мунча ҳам таклифи...»<sup>63</sup> деб бошланувчи таркиббандида мажозий ишқ билан илоҳий ишқ ўзига хос уйғунлигини, тасаввуфна фалсафа талқини бандлар давомида изчил ёритилганлигини кўриш мумкин.

Бобнинг «**Қофиянинг маъно ҳамда оҳангларга таъсири**» деб номланган учинчи фаслида ўзбек мумтоз поэтикасида қофия алоҳида илмни ташкил этиши, шеър мазмуни ва тузилишида муҳим ўрин тутиши ёритилган.

Қофия шеърдаги хушоҳангликни, таъсирчанликни, мазмундорликни таъминлайди. Қофиядош сўзлар нафақат сатрлар ва бандларнинг, балки кўпинча шеърнинг фикр ядроси ҳамда ғоявий асосини ҳам ўзида мужассам этади. Қофияланувчи сўздаги равийдан кейин ҳеч қандай бошқа элемент бўлмаса, «қофияи мужаррад», яъни ялонғоч қофия дейилади. Бундай қофия тури Муҳаммад Юсуф Маҳдум Рожий ижодида ҳам учрайди. Профессор

<sup>59</sup> Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий. Тўла асарлар тўплами. Беш томлик. Иккинчи том. – Тошкент: Фан, 1988. – Б. 107.

<sup>60</sup> Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий. Тўла асарлар тўплами. Беш томлик. Иккинчи том. – Тошкент: Фан, 1988. – Б. 252.

<sup>61</sup> Исҳоқхон тўра Иброт. Танланган асарлар. – Тошкент: Маънавият, 2005. – Б. 67.

<sup>62</sup> Ўзбек адабиёти. Тўртинчи том. Биринчи китоб. – Б.195.

<sup>63</sup> Ўзбек адабиёти. Тўртинчи том. Биринчи китоб. – Б.195.

Б.Каримов ўз даврининг илғор шоирларидан бўлган бу ижодкор ҳақида: «Миллат маърифати йўлида жон куйдирган шахслардан бири Фахриддин Рожий эди. Рожий исми 1910-20-йиллар матбуотида тез-тез учраб туради; самарқандлик жадид муаллимлари қаторида ҳурмат билан тилга олинади. Рожий ўз даврида нуфузли бир зиёли бўлгани аниқ. Шўро ҳукумати эса айнан ана шундай кимсаларни ўзи учун хавfli ҳисоблаган»,<sup>64</sup> дея эътироф этади. У куйидаги ғазалида даврнинг долзарб масаласини ёритишда қофияи мужарраддан фойдаланган:

Шаҳоншоҳеки қилмас эрса ройиж нақди эҳсонин,  
Қазо саррофи онинг давлати нақдин ривож этмас.

Кел эй, Рожий, ғанимат тут қаноат кунжи оромин,  
Эр ўғлон, ҳар киши олдида арзи эҳтиёж этмас<sup>65</sup>.

Юқоридаги сатрларда «ривож – эҳтиёж» қофиядош сўзларидаги «ж» ҳарфи равий бўлиб, ундан сўнг ҳеч қандай элемент йўқ.

Шеърнинг лирик қаҳрамони «қаноат кунжи» ором келтиришини, «ҳар киши олдида арзи эҳтиёж этмас»лик эр ўғлон учун хос сифат эканини таъкидларкан, бу ўткинчи дунё – «фано хокистарин»да маскан тутган фақр «жаҳонда шоҳлиғ» истаб «орзуйи тахти тож» этмаслиги тўғри эканини уқтиради.

Муҳаммадқул Муҳаммадрасул ўғли Муҳаййирнинг «Эй таоми зулмату...» ғазалидаги

Эй таоми зулмату бошида ўт қилғон ватан,  
Мен каби қилдинг нечук ўзингга куймоқликни фан<sup>66</sup>

сатрларида «ватан-фан» қофиясидаги «н» товуши равий бўлса, ундан олдинги чўзиқ унли «а» ридфдир. Демак, ушбу ўринда қофияи мураддаф қўлланган. Шоир ХХ асрнинг 10-йиллари охири ва 20-йиллари долғали воқеликларини ўзига хос тарзда «таоми зулмату бошида ўт қилғон ватан» тасвирини чизар экан, риторик сўроқ воситасида кулга айланаётган ватан ҳолатидан ўз кўнглига тушган изтироб оловини ҳам ифодалашга эришади. Ушбу сатрларда қофиядош сўзлар фикр асосини ташкил этиб, уларни боғловчи кўприк вазифасини ўтайди.

Бу давр шоирларидан яна бири Отаниёз Охун-Ниёзийнинг тасаввуфона ғоя сингдирилган «Маю майхонадин мен нотавонни...»<sup>67</sup> ғазалида таъсисли қофия, яъни қофияи муассаса қўлланган. Ундаги «зоҳид-жоҳид-оид-оқид» қофияларидаги «о» таъсис саналади.

Равийдан кейин келувчи ҳаракатсиз ундош ёки чўзиқ унли васл, васлли қофия эса қофияи мувассала асосида шаклланган. Сидқий Хондайлиқийнинг «Ҳижронинга мен бўлиб қарибо...»<sup>68</sup> шеърда қофияи мувассала қўлланган. Шеърдаги «қарибо-насибо-табибо-андалибо-наҳибо-нажибо-бешикибо-роғибо-

<sup>64</sup> Каримов Б. Янгиланиш соғинчи. – Тошкент: Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси «Адабиёт жамғармаси» нашриёти, 2004. – Б. 76-77.

<sup>65</sup> Ўзбек адабиёти. Бешинчи том. Иккинчи китоб. – Тошкент: Ғ.Фуллом номидаги Бадиий адабиёт нашриёти, 1968. – Б.96.

<sup>66</sup> Дехконов А. Муҳаййирнинг ҳаёти ва ижоди: Филол. фан . номз... дисс. – Тошкент, 2007. –Б. 14.

<sup>67</sup> Ўзбек адабиёти. Бешинчи том. Иккинчи китоб. – Тошкент: Бадиий адабиёт нашриёти, 1968. – Б.61.

<sup>68</sup> Сидқий Хондайлиқий. Танланган асарлар. – Тошкент: Маънавият, 1998. – Б.37-38.

атибо-матибо» қофиядош сўзлари таркибидаги «б» равий, «о» васлдир. Васл, яъни «о» товушига хос бўлган изтироб, ҳайратни ифодаловчи оҳангдорлик ҳам лирик қаҳрамон туйғуларини, ҳам ёр гўзаллигидан туғилган ҳайрат-кечинмаларини тасвирлашга хизмат қилган. Ёки хуружли қофия иштирокидаги Сидқий Хондайлиқийнинг «Билинг, эй илм эли, биз дини ислом...»<sup>69</sup> шеърида даврнинг долзарб масаласи – илм аҳли, уламолар орасида одат тусига кираётган хушомадгўйлик, ўзгалар ҳақидан қўрқмаслик, диний амалларга амал қилмаслик, иккиюзламачилик, порахўрлик каби иллатлар танқид остига олинади. Шоир XX аср бошларидаги илм аҳли орасида авж олган аянчли ҳолатларни чизишда «офатмиз-кулфатмиз-бедиёнатмиз-хиёнатмиз-беҳамиятмиз» қофиядош сўзларидан жуда ўринли фойдаланган. Шеър қофияларидаги «т» равий, «м» васл, «з» эса хуруждир. Ёки Сидқий Хондайлиқий Хислат ғазалига боғлаган мухаммасида<sup>70</sup> мазидли қофия – хуруждан кейин келувчи ҳаракатсиз ундош ёки чўзиқ унли асосидаги қофияланиш орқали муҳаббат кечинмаларини таъсирли ифодалашга эришган.

Маълумки, «...равийдан кейинги элементларни ҳамма вақт сўз ўзгартирувчи ёки форма ясовчи қўшимчалардан қидириш керак»<sup>71</sup>. Убайдулла Солиҳ ўғли Завқийнинг даврнинг оғир муаммоси – очарчилик тасвирланган «Қаҳатлик» номли шеърида ишлатилган қофиядош сўзлар ҳам ана шу жиҳатдан характерлидир. Шеърда «Фарғонамизда-вайронамизда» қофияларидаги «а»-равий, «м»-васл, «з»-хуруж, «д»-мазид, «а»-ноирадир. Шеърдаги қофиядош сўзлар орқали Фарғонани вайронага айлантирган даврнинг оғриқли муаммолари – бир томонда чор Россиясининг мустамлакачилик сиёсати, иккинчи ёқда маҳаллий амалдорларнинг зулмидан эзилган халқнинг оғир аҳволи, учинчи ёқда эса охири кўринмай давом этаётган биринчи жаҳон уруши мустамлакадаги Туркистон халқларининг тинка-мадорини қуритганлиги изчил ёритиб берилади. Худди шундай қофияланиш намунаси Аваз Ўтар ўғлининг «Сўрмади ҳолим ё раб, ошнолардин...» ғазали учун ҳам хос. Диссертацияда шеърдаги «ошнолардин-бевафолардин-балолардин-гадолардин - бенаволардин» қофияларидаги «о»-равий, «л»-васл, «р»-хуруж, «д»-мазид, «н»-ноира эканлиги назарий жиҳатдан асосланган.

## ХУЛОСА

1. XIX асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошлари ўзбек шеърияти халқнинг эрк ва озодлик тўғрисидаги асрий орзу-интилишларини ифодалашни, шу орқали ўзбек халқ оғзаки ижоди ва мумтоз адабиётдаги ушбу мавзу билан боғлиқ анъаналарини ўзига хос тарзда давом эттиришни мақсад қилди. Ушбу шеъриятга фикрнинг халқчил, содда талқинларида халқ қўшиқларига хос ифода йўсини, давр муаммоларининг таъсирчан ифодасида мумтоз адабиётга хос чуқур фалсафий фикр ҳамда тасвирий ифодалардан самарали фойдалана билиш таъсир манбаи вазифасини ўтади.

<sup>69</sup> Сидқий Хондайлиқий. Танланган асарлар. – Б.117.

<sup>70</sup> Сидқий Хондайлиқий. Танланган асарлар. – Б.97.

<sup>71</sup> Хотамов Н., Саримсоқов Б. Адабиётшунослик терминларининг русча - ўзбекча изоҳли луғати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1979. – Б.263.



2. Усмонли турк адабиётининг «Танзимат», «Адабиёти жадида» деб аталган даври шоирлари ижодидаги миллат тақдири, унинг порлоқ ўтмишини ўтган аср бошларидаги оғир ҳолатига қиёслаш, Ғарб давлатларининг босқинчилик сиёсатини қоралаш ғоялари XIX асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошлари ўзбек шеърляти учун таъсир манбаи бўлди. Бу давр шеърляти лирик қаҳрамони миллат ва Ватан тақдири учун қайғурувчи шахс сифатида намоён бўлиб, миллатдошларига ўрнак бўларлик фазилатларини намоён этади. Қолаверса, Ўрхон Сайфий, Номиқ Камол, Тавфиқ Фикрат каби намояндалар ижодида бадиий тажриба, ижтимоий-адабий жараён материали асосида шеърлий шакллар кенгайтирилган ва бойитилганлиги кузатилади.

3. Даврнинг долзарб муаммоларини ҳал этмоқ учун, аввало, уни ёт иллатлар ва қусурлардан тозалаш кераклигини англаган шоирлар ижодида ўткир ҳажвнинг юзага келишида татар адабиётидаги ўлмас мавзулардан муҳаббатнинг равон, содда, халқона ифодаси ҳамда XX аср бошлари ижтимоий-сиёсий воқелиги – уруш мавзуси талқинида озарбайжон адабиёти билан муштарак ҳолдаги ижодий таъсирни кўрамит.

4. Ўзбек шоирлари ижодида жамиятдаги оғриқли масалаларига фаол муносабатнинг шаклланишида эрк, озодлик, хуррият мавзуси, янги образларнинг ўрин олишида эса маърифатни улуғлаш, жаҳолатни қоралаш, илм-фан ютуқларини тараннум этишида рус адабиётининг таъсири катта бўлди.

5. Фикр ва туйғулар уйғунлиги даврнинг долзарб масаласи бўлган маърифатга тарғиб, жаҳолатни қоралаш, илмнинг миллат тараққиётидаги муҳим ўрнини ёритишда катта аҳамият касб этди. Бу даврда «фикрий мазмун ила боғланмаган ҳис йўқ»лигини англаган ҳолда яратилган асарларда даврнинг муҳим масалаларини ёритишда таъсирчан услуб юзага келди.

6. Даврнинг ижтимоий-сиёсий воқелигини изчил тасвирлай билиш, жамиятнинг иллату нуқсонлари танқиди асосида яхлит картина яратиш услуби ушбу давр шеърляти учун хосдир. Бу эса давр муаммоларига асосий диққатнинг қаратилишига, иллатларни юзага келтирган омилларнинг ҳаққоний ва кенг ёритилишига ёрдам берди. Бир сўз билан айтганда, давр шеърляти мундарижасини жамият ва миллат тақдири масалаларининг бадиий тадқиқи ташкил қилди.

7. Давр шеърлятига хос бўлган халқчиллик ва миллийлик жамиятнинг оғриқли муаммоларини ҳаётий ва ҳаққоний, жонли ва таъсирчан ёритиш учун ёрдам беради. Халқчил тил, миллий қарашларга мос ҳолдаги ёндашувлар асосидаги талқинлар XIX асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошлари ўзбек шеърлятининг муҳим хусусиятларидан ҳисобланади. Шунингдек, ўтган асрнинг 20-йиллар лирикасида индивидуал шахснинг қалб нидолари ва кечинмалари, уларни юзага келтирган омиллар объектив тасвирланди. Давр шеърлятининг имконияти кенгайди, яъни лирик қаҳрамон кечинмаларини реал воқелик ҳолатлари билан асослашда янги мавзу, янги образлар лирика таркибига кириб борди. Диссертацияда бу ҳолат Комил Хоразмий, Муқимий, Каримбек Камий, Аваз Ўтар, Абдулла Қодирий, Дилафкор шеърляри мисолида очиб берилди.

8. Даврнинг тезкор, шиддатли воқеликларини, илм-фан ютуқларини ифодалашга мос вазнлар топиш борасида изланишлар олиб борган шоирлар аруз, бармоқ, сарбаст ва сочма шеър каби турлардан самарали фойдаландилар ҳамда долзарб масалаларга фаол муносабат билдирдилар. Ўзбек шеърини учун бир қадар янги бўлган бармоқ, сарбаст вазнлари ва сочма шеър фикрнинг таъсирчан, кенг талқини учун бир мунча қулай эди. XX аср бошларига мансуб инсон психологиясидаги ўзгаришлар, яъни воқеликларга муносабатни акс эттиришда янги шеърини шакллари излаш ва уларни истемолга олиб кириш зарурати туғилди. Чунки лирик қаҳрамоннинг фикрлаш тарзидаги, руҳиятидаги кескин ўзгариш лирик матнда ўзига хос синтезлашган ҳолда юз кўрсатди.

9. Банд фикрнинг таъсирчан ифодаси учун ўзига хос майдон вазифасини бажаришини ҳис этган бу давр шоирлари, аввало, мумтоз жанрлар талабидан, шунингдек, мавзуларнинг кўламдорлиги, тасвирга олинаётган муаммонинг ифода имкониятидан келиб чиқиб икки банддан ўн икки бандгача бўлган тизимдан самарали фойдаландилар.

10. Лирик қаҳрамоннинг долзарб, муҳим масалаларга муносабатини ёритишда, фикр-туйғуларнинг таъсирчан, оҳангдор ифодасида турли қофия тизимининг кенг имкониятларидан самарали фойдаланиш ушбу давр ижодкорлари маҳоратини белгиловчи муҳим жиҳатлардандир. Қофия шеър мисраларидаги ўзаро оҳангдорликни таъминлаш билан бир қаторда, бандлар орасидаги фикрларни боғловчи муҳим воситага айланди.

**SCIENTIFIC COUNCIL AWARDING SCIENTIFIC DEGREE  
DSc.03/30.12.2019.Fil.05.02 AT FERGHANA STATE UNIVERSITY**

---

**FERGHANA STATE UNIVERSITY**

**BARZIEV OYBEK KHABIBULAEVICH**

**PROBLEMS OF PERIODS AND A LYRIC HERO IN UZBEK  
POETRY OF THE SECOND PART OF THE XIX AND THE BEGINNING  
OF THE XX CENTURIES**

**10.00.02 – literature of Uzbek**

**DISSERTATION ABSTRACT FOR DOCTOR OF  
PHILOSOPHY IN PHILOLOGICAL SCIENCES (PhD)**

**Ferghana – 2020**

**The theme of PhD dissertation is registered by Supreme Attestation Commission at the Cabinet of Ministry of the Republic of Uzbekistan under the number № B2018.4.Ph234.**

The dissertation has been prepared at the chair of Uzbek linguistics of Ferghana State University.

The abstract of the PhD dissertation is posted in three (Uzbek, English and Russian (Resume)) languages on the website of the Scientific Council ([www.fdu.uz](http://www.fdu.uz)) and on the website «ZiyoNet» Information-educational portal ([www.ziyo.net](http://www.ziyo.net))

**Scientific consultant:**

**Sabirdinov Akbar Gafurovich**  
Doctor of Philological sciences

**Official opponents:**

**Tojiboeva Mukaddas Abdurakhimovna**  
Doctor of Philological sciences

**Karimov Bakhodir Nurmetovich**  
Doctor of Philological sciences, professor

**Leading organization:**

**National University of Uzbekistan**

Defense of the Dissertation will take place on «\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2020, at \_\_\_\_\_ p.m. at a meeting of Scientific Council DSc.03/30.12.2019.Fil.05.02 under Ferghana State University (Address: 19, Murabbiylar Street, Ferghana, 100151. Tel: (+99873) 244-44-29; fax: (+99873) 244-66-03; e-mail: [info@fdu.uz](mailto:info@fdu.uz)).

Dissertation could be reviewed information-resource center of Ferghana State University (registration number \_\_\_\_). Address: 19. Murabbiylar Street, Ferghana, 100151, Tel.: (+99873) 244-44-02.

Dissertation abstract sent out on «\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2020.

(Mailing report number \_\_\_\_ on «\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2020).

**A.A.Kosimov**

Chairman of Scientific Council Awarding scientific degree, Doctor of Philological sciences, professor

**I.T.Khojialiev**

Secretary of Scientific Council Awarding scientific degree, Candidate of sciences, docent

**S.R.Mirzaeva**

Chairman of Scientific Seminar at the Scientific Council awarding scientific degree, Doctor of Philological sciences, Professor

## **INTRODUCTION (annotation of the dissertation of doctor of philosophy (PhD))**

### **The actuality and significance of the dissertation work.**

The interest to the study of the problems of periods and the matter of a lyric hero in the world linguistics has arisen greatly. Therefore, elucidating the problems of periods of Uzbek poetry and an interpretation of a lyric hero at the second part of the XIX and the beginning of the XX centuries are the matters of the great scientific significance.

The tradition of study of the different periods in the world linguistics, which have the paramount social-political importance, has been established much earlier. This tradition gives the opportunity to evaluate a social-political and literary life of the definite period, compare with other literary trends and conduct researches on the social and creative peculiarities. There are some periods in the history of literary criticism, which can bring to the significant alterations of the literary genres and experiences of a lyric hero. These alterations induce the unique features and the need of studying them. The deliberate studies of the literary environment of the second part of the XIX century and the beginning of the XX century, when the significant social-political events occurred rapidly in the process of innovations, are of a paramount importance in investigating the history of our Motherland in Uzbek linguistics too, especially, at the time of the different economical-social changes in the country.

Nowadays the matters of the contemporary literary process in Uzbek literary criticism, the features of its genre, the artistic expression of the feelings of a lyric hero have been thoroughly studied. However, the profound analyses of the changes at the end of the XIX century and the beginning of the XX century in Uzbek literature, in particular, in poetry have not been conducted yet. In this perspective, the peculiar features of the poetry of that period and the valid scientific-theoretical evaluation of the factors, as the reason of emerging them are one of the priority tasks.

«...we should deeply study the jaded movement and our ancestors' heritage. The more we study the cultural heritage, the better we find the solutions to the problems today. The more we disseminate the treasure, the more our people, especially the young generation appreciate the peaceful and free life»<sup>1</sup>. In its turn, it will bring to the necessity of studying the works of the representatives of the second part of the XIX century and the beginning of the XX century.

The given dissertation has been fulfilled according to the requirements of the following laws and regularities as «Development of books printing system, increase of the reader's culture and strike a committee», adopted on 12<sup>th</sup> of January, 2017; PD-4947 «On the Actions of Strategies on further development of the Republic of Uzbekistan» on 7<sup>th</sup> of February, 2017; PD-2909 «On measures of the further development of the Higher Education system» on 20 April, 2017; PD-3160 «On increasing of the efficiency of the educational-ethical affairs, upgrading the level of the development of the sphere» on the 28<sup>th</sup> of June, 2017; PD-3775 «On the measures of increasing of education quality in Higher Educational Establishments

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёвнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси. // «Халқ сўзи» газ., 2020 йил 25 январь. - №19 (7521). – Б. 3.

and furthering participation in innovations» on 5<sup>th</sup> of June, 2018; PD-4358 «On the measures of the development of experienced personnel preparing and the scientific potentials in the National University of Uzbekistan after Mirzo Ulugbek in 2019-2023» on 17<sup>th</sup> of June, 2019.

### **The appropriateness of the research to the prior directions of the development of science and technologies.**

The dissertation work has been fulfilled according to the main leading branch of the development of Science and Technology of the republic I.»The social, legal, economical, cultural, spiritual and educational development of the democratic and lawful society and forming of the innovational economics».

### **The scope of study of the problem.**

The issues related to the interpretation of the problems of the period in the poetry and a lyric hero have been studied by N.Aseev, I.Becher, S.M.Bondi, Yu.Borev, S.Vladimirov, N.K.Gey, B.Meycklack, V.Ognev, Ya.Parandovskiy and N.M.Shanskiy<sup>2</sup>. This problem has been investigated by O.Sharafiddinov, U.Normatov, N.Karimov, B.Nazarov, T.Jalolov, B.Kosimov, H.Boltaboyev, A.Jalolov, B.Karimov, I.Tulakov, N.Jabborov, I.Ganiev, D.Kuronov, N.Afokova, M.Tojiboeva and U.Jurakulov<sup>3</sup> in Uzbek literatures.

Furthermore, the works by Sh.Yusupov, U.Dolimov, Sh.Rizaev, Y.Solijonov, A.Sabrdinov, R.Javkharova, O.Tolaboev, Z.Eshonova, N.Kholikova and D.Zokhidova<sup>4</sup> have become the important source in scrutinizing the social event of that period.

---

<sup>2</sup> Асеев Н. Зачем и кому нужна поэзия. – Москва: Сов. писатель, 1961. – 557 с.; Бехер И. Любовь моя, поэзия. – Москва: Худ. лит., 1965. – 559 с.; Бонди С.М. Черновики Пушкина. – Москва: Просвещение, 1971. – 231 с.; Боров Ю. Искусство интерпретации и оценки (Опыт прочтения «Медную всадника»). – Москва: Сов. писатель, 1981. – 399 с.; Брюсов В. Ремесло поэта. Статьи о русской поэзии. – Москва: Современник, 1981. – 316 с.; Владимиров С. Стих и образ. – Москва: Сов. писатель, 1968. – 159 с.; Гей Н.К. Искусство слова. – Москва: Наука, 1967. – 364 с.; Мейлах Б.С. «... сквозь магический кристалл...» – Л.: Высш. шк., 1990. – 398 с.; Огнев В. Книга про стихи. – Москва: Сов. писатель, 1963. – 479 с.; Парандовский Я. Алхимия слова. – Москва: Прогресс, 1971. – 184с.; Шанский Н.М. Лингвистический анализ художественного текста. – Л.: Просвещение, 1990. – 415 с.

